



ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ УМУМИЙ ПРОФИЛАКТИКАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ (СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

Турсунов Икромжон Нормуродович

Ўзбекистон Республикаси

Ички ишлар вазирлиги

Академияси мустақил изланувчиси

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10347871>

ARTICLE INFO

Received: 05th December 2023

Accepted: 10th December 2023

Online: 11th December 2023

KEY WORDS

Ички ишлар органлари,
Сурхондарё вилояти,
хуқуқбузарликларнинг
умумий профилактикаси,
хуқуқбузарликларни олдини
олиш, фаолиятни ташкил
этиш.

ABSTRACT

Мақолада Ички ишлар органларининг
хуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси
фаолиятини Сурхондарё вилояти мисолида ташкил
этиш хусусида фикр юритилиб, мазкур фаолиятни
янада самарали ташкил қилишга оид таклиф ҳамда
тавсиялар билдирилган.

Мамлакатимизда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда хуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида олиб борилаётган ислохотлар жараёнида хусусан, Сурхондарё вилоятида ҳам хуқуқбузарликларни “маҳаллабай” жиловлаш, аҳолининг кунлик ижтимоий-маиший муаммоларини “фуқаробай” ҳал этиш жорий йилнинг 28 июль куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган “Худудларда хуқуқбузарликларни олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш ҳолати ҳамда бу борадаги устувор вазифалар”га бағишланган видео-селектор йиғилишида хуқуқбузарликларни олдини олиш ва жиноятчиликни жиловлаш борасида берилган муҳим топшириқлар асосида, ҳар-бир маҳаллада ижтимоий муаммолар “оилабай” аниқланиб, “Хавфсиз хонадон” ва “Хавфсиз ҳовли” тизими асосида олиб борилмоқда.

Бошқача айтганда, бугунги кунда Сурхондарё вилоятида ҳам ички ишлар органлари жиноятларнинг оқибатлари билан курашиш эмас, балки уларнинг содир этилишига йўл қўймаслик ва барвақт олдини олиш борасида ишламоқда, яъни, бугунги кунда вилоятда, энг чекка қишлоқларда ҳам аҳолининг барча қатламлари билан яқиндан мулоқот қилиниб, хуқуқбузарликларни “маҳаллабай” ва “фуқаробай” ҳал этиш борасидаги ишлар жадаллаштирилиб, кам таъминланган, ижтимоий кўмакка муҳтож оилаларга ёрдам кўрсатилиб, уларни қийнаётган масалалар (ичимлик суви, газ, электр энергияси) тезкорлик билан ҳал этилмоқда. Вилоят ҳудудида ўтказилиб келинаётган комплекс тезкор-профилактик тадбирлар криминоген вазиятнинг барқарорлигини таъминлаш учун мустаҳкам замин яратмоқда десак муболаға



бўлмайди. Хусусан, мазкур тизимли ишларнинг самараси ўлароқ, жорий йилнинг 9 ойида вилоятдаги 724 та маҳалланинг 38 фоизидан ошиқроғида (38,1 фоизи 724 тадан 276 та) биронта ҳам жиноят содир этилмаган.

Лекин, вилоят ҳудудида, олиб борилган профилактик чораларга қарамасдан, содир этилган жиноятларнинг таҳлили – ҳануз умумий жиноятлар, шунингдек, ўта оғир, оғир ва оғир бўлмаган жиноятларнинг салмоғи шаҳар-туманларда камаймаётганлигини кўрсатмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 9 ойида вилоятда жами 3 минг 717 та жиноят содир этилиб, уларнинг ярмидан кўпини (2146 та) ёки 57,7 фоизини олди олиниши мумкин бўлган жиноятлар ташкил этади¹. Мазкур ҳолатларга қарши курашишда эса, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини самарали амалга ошириш лозим албатта.

Одатда, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширув-чи ҳар бир субъект ўз ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини аввало, Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғриси-да»²ги қонунига биноан, ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси кўринишида амалга оширади. Жумладан, Сурхондарё вилояти ички ишлар органлари ҳам.

Қайд этилган қонунга биноан, ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси – ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасаларнинг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича фаолиятidir.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунга қадар, ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасига мутахассислар томонидан бир қанча таърифлар берилган. Масалан, ушбу йўналишга оид адабиётларда ҳуқуқбузарлик-ларнинг умумий профилактикаси деганда, профилактика субъектларининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилиш сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш бўйича фаолияти³ деб таърифланган. М.Ю. Кержнер ва Ғ.Т. Абдуллаходжаевлар умумий профилактикага «давлат миқёсида ташкил этилади ва жиноятчиликка қарши курашни ташкил этишдаги давлат сиёсатининг муҳим йўналиши ҳисобланади»⁴ деб, Н.Б. Қурбонов, жиноятчиликнинг умумий олдини олиш деганда, жиноятчиликка қарши курашишнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва бошқа институтларини ривожлантириш, инсонларни маънавий-маърифий камолоти учун шароит яратиш, жиноятчиликни келти-риб чиқарадиган турли сабабларни аниқлаш, жиноятчиликни юзага келти-рувчи шароитларнинг зарарли таъсирини олдини олиш

¹ Сурхондарё вилояти ИИБнинг таҳлилий маълумотлари.

² Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

³ Криминология. Умумий қисм: ИИБ олий таълим муассасалари учун дарслик / И.Исмаилов, Қ.Р.Абдурасулова, И.Ю.Фазилов. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2015. — Б. 192–194; Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси психологияси: Дарслик / Ё.А.Фарфиев, М. 3.Зиёдуллаев ва бошқ. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2015. — Б. 7.

⁴ Криминология: Дарслик / З.С. Зарипов, А.С. Якубов, Г.А. Аванесов ва бошқ. Проф. З.С. Зарипов таҳрири остида. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2006. — Б. 170 (539).



назарда тутилади⁵ деган фикрлари назаримизда, ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси-нинг мақсади, вазифалари ва бошқа ўзига хос хусусиятларини очиб бермаган.

Қ.Р. Абдурасулованинг берган қуйидаги таърифи назаримизда ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасининг мақсади, вазифалари ва бошқа ўзига хос хусусиятларини қамраб олган, яъни, умумижтимоий профилактика ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш, уларни бартараф этиш ёки нейтраллаштиришга, бошқа ғайриижтимоий қилмиш-ларга қарши курашишга, фуқаролар ва мансабдор шахсларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялашга, ижтимоий ахлоқ қоидаларини бузувчиларни қайта тарбиялашга қаратилган ижтимоий-сиёсий, ташкилий, ҳуқуқий ва тарбиявий тадбирларни қамраб олади»⁶.

Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг мақсади – бир вақтнинг ўзида бир гуруҳ шахс ёки кенг жамоатчиликка нисбатан ғайриижтимоий ҳуқ-атвор ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этилиши натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар, ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитлар, ҳуқуқбузарликларни содир этилиш усуллари ва шакллари, виктимологик омилларнинг ўрни ва аҳамиятини тушунтириш, қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳиятини тарғибот қилиш ва огоҳликка чақириш-дан иборатдир. Шу билан бирга, ижтимоий муносабатлар субъектларининг бир қанчасига бир вақтнинг ўзида профилактик таъсир кўрсатиш ва вақтни тежаш имкониятининг мавжудлигини, кам куч ва маблағ сарфланишини ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига комплекс ёндошилишини ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг ўзига хос хусусиятлари ва афзалликлари сифатида қайд этишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»⁷ги қонунига кўра, ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасининг чора-тадбирлари қуйидагилардан иборат:

- ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;
- аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғибот ўтказиш;
- ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритишдан иборат.

Шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Қайд этиш лозимки, амалга ошириладиган ҳар бир чора-тадбирларнинг самарадорлиги ва муваффақияти бевосита уни ўтказиш асослари ва тартиби-нинг аниқ ҳамда мукамал белгиланганлиги билан боғлиқ бўлганидек, ҳуқуқбузарликлар

⁵ Қурбонов Н.Б. Одамлардан фойдаланиш учун ёллаш жиноятида жавобгарлик масалалари (жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари). юрид. фан. ном. дис. — Т., 2005. — Б. 139–140 (180).

⁶ Абдурасулова Қ.Р. Криминология: Дарслик. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х. Рустамбоев. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. – Б. 104 (305).

⁷ Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.



умумий профилактикаси чора-тадбирлари ҳам худди шундай асос ва тартибга эга бўлмоғи лозим.

Юртимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастур-лари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда ички ишлар органлари ҳам бевосита иштирок этадилар ҳамда ишлаб чиқилган дастурлар тегишли тартибда тасдиқланганидан сўнг, уларни ижро этишда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи давлат органлари ва ташкилотлари, унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлик қиладилар.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ички ишлар органлари, жумладан, Сурхондарё вилояти ички ишлар органлари ҳам ушбу дастурларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда тегишли ҳудудлардаги криминоген вазиятларни ҳисобга олиб, келгуси йиллар учун ишлаб чиқиладиган дастурларда содир этилган ва содир этилиш эҳтимоли юқори бўлган ҳуқуқбузарликларга асосий эътиборни қаратишлари ҳамда бу борада ҳуқуқбузарликлар профилактика-сини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан кенг доирада ҳамкорликни амалга оширишлари мақсадга мувофиқдир.

Юқорида қайд этилганидек, ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси чора-тадбирларидан яна бири – аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғи-бот ўтказишдир. Хусусан, ҳуқуқбузарликлар профилактикасида аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғибот муҳим аҳамият касб этади. Аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғиботнинг мақсади – аҳолининг қонуний ҳуқуқ ва мажбурият-ларига оид масалаларнинг мазмун ва моҳиятини уларга етказиш, шу асосда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишдан иборатдир.

Жумладан, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксал-тириш фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан биридир. Бир сўз билан айтганда, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш орқали аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ошиб, уларда қонунларга ҳурмат руҳининг ўсиши келгусида ҳуқуқбузарликлар ҳолатларининг камайишига ўзининг ҳиссасини қўшади ва ушбу жараёнлар ички ишлар органларининг келгуси хизмат фаолиятида ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов Конституция ва қонунларга ҳурмат ва итоат билан қарашни тарбиялашда кўп нарса, аввало, давлат органлари, хусусан ички ишлар органларида ишлайдиган хизматчиларга боғлиқ⁸, шу билан бирга, юртимизда ҳуқуқий давлат асос-ларини янада такомиллаштириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифадир⁹ деб таъкидлаган эди.

Юртимизда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти юксалти-ришга мустақилликнинг илк даврлариданоқ жиддий эътибор қаратилиб келинмоқда. Бунга

⁸ Каримов И.А. Хавсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Т., 2002. – Б. 146.

⁹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. - Т., 2010. – Б. 53.



мисол тариқасида, Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-лиснинг «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури тўғ-рисида»¹⁰ги қарорини қайд этишимиз мумкин. Шунингдек, Ўзбекистон Рес-публикаси Президентининг «Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»¹¹ги Фармони қабул қилинди ва ушбу фармон билан «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепцияси» тасдиқланди. Бугунги кунда жамиятимизда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга оид вазифаларини бажаришида ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Қайд этиш керакки, ҳуқуқий маданият қонунчилик, фуқаролар ҳуқуқий кафолатини таъминлаш баробарида давлат аҳамиятига молик сиёсат бўлиб¹², ушбу ҳолат мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида ҳуқуқбузарликлар ҳолатига таъсир этувчи криминоген омиллардандир. Жумладан, вилоят ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш юзасидан оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилиш (телевидение орқали чиқишлар ва радио орқали эшиттиришлар, журнал ва газеталарда мақолалар чоп этиш) жойларда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга хизмат қилади. Хусусан, Биринчи Президентимиз Ислон Каримов «Жамиятнинг демократия йўлида жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг муваф-фақияти кўп жиҳатдан одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият дара-жасига боғлиқдир. Юсак ҳуқуқий маданият – демократик жамият пойдево-ри ва ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичидир»¹³, деб таъкидлаган эдилар.

Юқорида қайд этилганидек, ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилак-тикаси чора-тадбирларидан яна бири бу - ҳуқуқбузарликларнинг содир эти-лиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдим-номалар киритишдир. Хусусан, ички ишлар органлари давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларига тақдимномалар киритиш ваколатига эга бўлиб, бундан кўзланган мақсад келгусида шу каби ҳолатларни содир этили-шини олдини олишдир.

Айтиш мумкинки, мамлакатимиз амалдаги қонунчилигида ички ишлар органлари ўз ваколатлари доирасига кирувчи моддалар бўйича тегишли органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоатчилик тузилма-ларига тақдимномалар киритиш ваколати берилган бўлса-да, мазкур йўналишда бугунги кунда муайян камчиликлар мавжудлигини, яъни, ушбу йўналишда олиб борилган ўрганишлар ҳамда таҳлиллар натижаси мазкур йўналишдаги ишларда сезиларли камчиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Бошқача айтганда, вилоят ички ишлар органлари томонидан ўз ваколат-ларига тааллуқли ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича тегишли давлат

¹⁰ УзР Олий Мажлисининг «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури тўғрисида»ги 466-1-сон (29.08.1997 й.) қарори // УзР Олий Мажлисининг ахборотномаси. - 1997. - № 9. - 227-м.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-5618-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

¹² Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида: Т.6. – Т., 1998. – Б. 279.

¹³ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида: Т.6. – Т., 1998. – Б. 279.



органлари ва фуқаролик жамияти институтларига тақдимномалар ўрнатилган тартибга киритилмай қолмоқда. Буларнинг сабаблари сифатида аввало хизмат олиб бораётган ходимларнинг иш ҳажмининг кўплигини ёки баъзи ҳолларда ходимларнинг совуққонлиги ёки ўз хизмат вазифаларига масъулиятсизлик билан муносабатда бўлишларини қайд этишимиз мумкин.

Таъкидлаш лозимки, вилоят ички ишлар органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида ҳуқуқбузарликлар ҳолатлари тўғрисидаги ишлар бўйича ҳудудларда уларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш юзасидан тегишли тартибда корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ҳамда фуқаролик жамияти институтларига тақдимномаларни ўз вақтида доимий киритиб борилиши ва содир этилган ҳар бир ҳолат бўйича кенг жамоатчилик орасида атрофлича муҳокамалар ташкил қилиниши ҳам келгусида ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олди олинишига сезиларли даражада хизмат қилади албатта.

Хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, ички ишлар органларининг Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»¹⁴ги қонунига кўра, ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот ўтказиш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаб-ларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритиш каби чора-тадбирларини ўз вақтида ҳамда жойида амалга оширишлари тегишли ҳудудда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фаолиятида ижобий натижаларга эришишида муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, бугунги кунда ҳар бир ходим, “Тинчлик – бебаҳо неъмат”лигини ҳис этиб, ватанимиз мустақиллиги ва халқимиз тинчлигини кўз қорачиғидек сақлаши давр талабидир.

¹⁴ Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.